

Ўзбекистон-Туркменистон: Форс кўрфазига олиб чиқувчи транспорт йўлагига яшовчан интеграция етишмаяпти

Author: [Rovshan Ibrahimov](#)

Марказий Осиёнинг икки мамлакати ва Эрон, Уммон ҳамда Қатар ўртасида халқаро транзит йўлагининг барпо қилиниши Яқин Шарқ давлатлари билан иқтисодий ҳамкорликнинг ривожланишига имконият яратади ва денгизга йўл очиб беради, аммо бунинг учун анчагина сиёсий куч ва либерал трансчегаравий шароит талаб этилади.

Апрель ойи охирида Ашхободда Шимол-Жануб трансмиллий транспорт йўлагининг барпо этилиши тўғрисида шартнома имзолангани ҳақидаги хабар оммавий ахборот воситаларида ривожланаётган ҳудудларни ягона транспорт тизимига бирлаштирадиган истиқболли ҳамкорлик лойиҳаси ўлароқ талқин қилинди.

Йўлак Ўзбекистон, Туркменистон ҳудудлари орқали Марказий Осиё давлатларини ҳамда Эрон ва Яқин Шарқни ўзаро боғлаб, кўп мамлакатларга Форс кўрфази ва Ҳинд океанига чиқишни таъминлаши тахмин қилинмоқда. Лойиҳа қиймати ва донорлари ҳақида ҳозирча аниқ бир гап айтилгани йўқ.

Бир қарашда шартнома анча жозибали кўринади, чунки у аввал бундай шаклда ҳамкорлик қилмаган мамлакатларнинг туташ нуқтаси бўлиб ҳисобланади.

Бу дунёнинг турли бурчакларида бўлган интеграция жараёнлари Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари туташган жойда жойлашган минтақа учун ҳам намунага айланганидан далолат беради. Аммо бу мақсаднинг тез орада амалга оширилиши юзасидан баъзи шубҳалар мавжуд.

Ҳар бир интеграция шартномаси товарлар, хизматлар, капитал ва шахсларнинг чегарадан ўтишини жўнлаштириш йўли билан рағбатлантирилувчи ўзаро манфаатли ҳамкорликни кўзда тутаяди. Интеграция бир-бири билан рақобатлашадиган эмас, балки иқтисоди бир-бирини тўлдирадиган мамлакатлар ўртасида муваффақиятли жараён ҳисобланади. Аммо айтиш ҳолатда шартноманинг барча иштирокчи мамлакатлари ўзаро рақиб ҳисобланадилар ва бир-бирига ўхшаш маҳсулотларга – турли энергоресурсларга эгадирлар.

Нефт ва газга бой бўлган Туркменистон ва Ўзбекистоннинг янги халқаро транзит йўлагигадаги иштироки дунё бозорида муқобил транспорт йўллари излаш бўйича навбатдаги урунишдан бошқа нарса эмас ва бу хатарлидир. Ҳозирги пайтда Ўзбекистоннинг қарийб барча газини Россия сотиб олмақда ва ҳозирча Тошкентда экспорт учун айтарли қўшимча табиий газ йўқ.

Россияга газ экспортини қисқартиргандан сўнг қўшимча транзит йўлакларини қидираётган Туркменистонда биров ўзгача вазият юзага келган. Аммо, шартномада кўзда тутилганидек, углеводородларни Эрон ҳудуди орқали Форс кўрфазига транспортировка қилиш фойда келтирмайдиган ҳаракатдир. Бундан ташқари, Форс кўрфази ҳудуди энерготашувчилар учун энг яхши бозор ҳисобланмайди: Қатар суултирилган газнинг дунёдаги йирик экспортчиси ҳисобланади ва у ўз ёнида рақобатчи кўришни истамаслиги аниқ. Боз устига, Қатар ва Уммоннинг ўзлари интеграциядан йироқлар ва улар йирик қўшниси бўлган Эроннинг таъсири остига тушиб қолишни истамайдилар.

Форс кўрфазининг марказий қисмида жойлашган Жанубий Форс улкан нефть-газ конининг умумий эгалари бўлган Эрон ва Қатар ўртасида мавжуд келишмовчиликлар ҳам ушбу икки мамлакатнинг лойиҳадаги ўзаро иштирокини қийинлаштириб юбориши мумкин. Ҳозирги пайтда Қатар ширкатлари бу кондан газ қазиб олмақдалар, бу эса ҳозирча бу ерда қазиш ишларини олиб бора олмаётган Техроннинг ғашини келтирмоқда.

Шунингдек, транспорт йўлакларининг барпо қилинишини молиялаштиришга ким рози бўлиши ҳам ноаниқлигича қолмоқда. Чунки халқаро санкциялар таъсири остида қолаётган Эронга маблағ ётқизиш истагида бўлган сармоядорларни топиш шу кунда амримаҳол бўлса керак.

Странам потребуются немалые усилия и политическая воля лидеров, чтобы в отдаленной перспективе превратить транснациональную идею в реальность.

Жўғрофий тарқоқлик, Техронни халқаро транзит йўлаги локомотиви ролида кўриш истагининг йўқлиги, Марказий Осиёнинг ҳатто икки қўшни мамлакатлари бўлмиш Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида ҳаракатланиш учун қулай тартиб жорий этилмагани лойиҳанинг яшовчанлиги юзасидан шубҳа уйғотади. Мазкур трансмиллий ғояни олис келажакда рўёбга чиқариш учун мамлакатлардан

анчагина саъй-ҳаракат, уларнинг лидерларидан эса сиёсий ирода талаб этилади.

Ровшан Иброҳимов, сиёсат фанлари доктори, Озарбайжон энергетика тадқиқотлари маркази директори, айти пайтда Вашингтондаги Жорж Майсон университетининг таклиф қилинган илмий ходими.

Ушбу мақола National Endowment for Democracy жамғармаси томонидан молиялаштирилатган “Марказий Осиё янгиликлар маълумотномаси” лойиҳаси доирасида тайёрланган.

Location: [Central Asia](#)
[Oman](#)
[Uzbekistan](#)
[Turkmenistan](#)

Topic: [Economy](#)

Source URL: <https://iwpr.net/uz/global-voices/%D1%9E%D0%B7%D0%B1%D0%B5%D0%BA%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%BE%D0%BD-%D1%82%D1%83%D1%80%D0%BA%D0%BC%D0%B0%D0%BD%D0%B8%D1%81%D1%82%D0%BE%D0%BD-%D1%84%D0%BE%D1%80%D1%81-%D0%BA%D1%9E%D1%80%D1%84%D0%B0%D0%B7%D0%B8%D0%B3%D0%B0-%D0%BE%D0%BB%D0%B8%D0%B1>